

национальных приоритетов в технологическом развитии, одновременно превращая сектор ИКТ в сектор. Для дальнейших перспективных исследований необходимо изучить следующие аспекты проблемы:

- концептуальный подход к стратегии интеграции ИКТ страны в глобальный мировой рынок;
- определены направления совершенствования институциональной базы для создания

благоприятных условий для развития инновационного информационного типа экономики;

- социальные факторы (участие молодежи, образование и др.) развития сферы ИКТ и возможности их эффективного использования;

- стратегии стимулирования перехода к модели информационного общества в условиях посткризисного развития национальной экономики.

Источник и список использованной литературы:

1. Вершинская О.Н. Существующие модели построения информационного общества. //Информационное общество, 1999, N3, с.53.
2. National Innovation Systems: Analytical Findings. — Organization for Economic Cooperation and Development: DSTI/STP/TIP(98) 6/REV1
3. https://www.researchgate.net/publication/305851502_Globalization_of_the_information_society
4. Mika Mannermaa «Globalization and information society—increasing complexity and potential chaos» GLOBAL TRANSFORMATIONS AND WORLD FUTURES - Vol. II 2020.y.
5. Рунов А.В. Исследование проблем информационной коммуникационной среды. // Социальные гуманитарные знания. 2002. № 6
6. Понарина Наталья Николаевна Глобализация и информационное общество. // Общество: политика, экономика, право. 2012. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/globalizatsiya-i-informatsionnoe-obschestvo> (дата обращения: 02.11.2022).
7. Талимончик В.П. Всемирный саммит по информационному обществу в развитии международного информационного обмена. // Информационное право. 2006. № 2 (5). С. 3–6.
8. Топилдинев С.Р., Хасанов Р.Р «Инновационные модели социально-экономического развития» учебное пособие Т. 2019г. 22с.
9. Кадыров А.М., Севликянц С.Г., Отто О.Э., Ахмедиева А.Т. Информационно-инновационное развитие экономики Узбекистана. – Т.: Иктисадиёт. 2011, 65с.
10. Recommendations to the European Council: Europe and the Global Information Society, M. Bangemann and others, 24-25 June, Korfu, 1994.
11. Индустрия экспорта программного обеспечения в Узбекистане. // Исследование Проекта ПРООН ИСТР. – Т., 2006, с. 5.



[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a68](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a68)

МАМЛАКАТИМИЗДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРЙИ ЭТИШНИНГ ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Саатова Лолаҳон Эргашевна -
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий
авиация билим юрти

Ахборот технологиялари кафедраси доценти,
Куролли кучлари хизматчиси, и.ф.ф.д.(PhD), доцент

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида хорижда ва мамлакатимиздаги ахборотлашган жамиятга киришининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили, ахборот-коммуникациялар бозори шитирокчиликнинг ташкилий-функционал алоқалари келтирилган.

Калим сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ахборот-коммуникациялар бозори, ахборотлашган жамият, бозор, бозор инфратузилмаси, ахборот, тармоқ, индустриал жамият, истеъмолчи, ахборот маҳсулотлари.

ПРИМЕНЕНИЕ ПЕРЕДОВОГО ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА ПО ВНЕДРЕНИЮ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Саатова Лолаҳон Эргашевна -
доцент, д.ф.э.н.(PhD) Высшее военное авиационное
училище Республики Узбекистан доцент кафедры
Информационных технологий, военнослужащая ВС РУз

Аннотация. В данной статье представлен анализ особенностей вхождения в информационное общество за рубежом и в нашей стране в условиях цифровой экономики, организационно-функциональные отношения участников информационно-коммуникационного рынка.

Ключевые слова: цифровая экономика, информационно-коммуникационный рынок, информационное общество, рынок, рыночная инфраструктура, информация, сеть, индустриальное общество, потребитель, информационные продукты.

APPLICATION OF ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE IN THE IMPLEMENTATION OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE DIGITAL ECONOMY IN OUR COUNTRY

Saatova Lolakhon Ergashevna -
*dotsent, doctor of philosophy (PhD) economical sciences,
 Higher Military Aviation School of the Republic of Uzbekistan,
 Associate Professor of the Department of Information
 Technology, Armed Forces servicewoman*

Annotation. This article presents an analysis of the features of entering the information society abroad and in our country in a digital economy, organizational and functional relations of participants in the information and communication market.

Key words: digital economy, information and communication market, information society, market, market infrastructure, information, network, industrial society, consumer, information products.

Кириш. Ахборот-коммуникация технологияларининг бозор инфратузилмаси сифатида шаклланиши 1950 йилларнинг иккинчи ярмидан бошланди. Ҳозирги кунда бозорнинг ушбу тармоғи ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг асосий негизи ҳисобланмоқда. Чунки глобал иқтисодиётни таркиб топтириш учун замонавий ахборот-коммуникациялар инфратузилмаси талаб этилмоқда. Ишбилармонлик фаолиятининг мақбул мұхитини шакллантиришда зарур бўлган турли ахборот, таҳлилий материаллар ва уларни тезкор усулда олиш ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиб бораётганилиги эвазига эришилмоқда. Барча мамлакатларда замонавий ахборот-коммуникация тармоқлари кенг ривожланмоқда. Айниқса, «Интернет» ахборот тармоғининг салмоғи кундан-кунга ошиб бориб, дунё бўйича глобал ахборот инфратузилмаси, унинг асосида эса ахборотлашган жамият шаклланаётгани маълум. Хусусан:

а) халқаро ахборот-коммуникация тармоқларига уланган шахсий компьютерлар ҳар бир хонадонга кириб бормоқда;

б) ахборот-коммуникация тармоқларида янги хил фаолият турлари вужудга келаяти, жумладан, тармоқда ишлаш, тармоқ мұхитидам олиш, ижод ва кўнгил очиш, тармоқда маориф ва тарбия;

в) жамиятнинг ҳар бир аъзоси қаерда бўлишидан қатъи назар ахборот тармоқлари асосида хоҳлаган мамлакатидан турли хил мавзу ҳамда йўриқдаги ахборотларни тўлиқ ва тезкор суръатда олиш имкониятига эга бўлмоқда;

г) ахборот-коммуникация тармоқлари доирасида мамлакатлар ўртасидаги географик ва геосиёсий чегаралар йўқолиб боряпти.

Ахборотларни ишлаб чиқараётган тармоқлар қўллаётган технология, ишлаб чиқаётган маҳсулот ва қўрсатаётган хизматлар шунчалик хилма-хилки, уларни битта ягона тармоққа бирлаштириш ўта мушкул. Аммо уларнинг барчаси ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлаш, сақлаш ва тарқатишга хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам улар «ахборотлашган» деган

ягона фаолиятда бирлашади. Жаҳон амалиёти тажрибаси шуни кўрсатиб келмоқдаки, ўз фуқароларини ахборотлашган шароитда фаолият олиб боришига ўтган жамиятгина вақтдан ютади, чунки фақат миқдорий кўрсаткичларга асосланган иқтисодиёт тизимининг келажаги йўқ. Яъни глобал ахборот-коммуникациялар технологияси ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатмоқда. Масалан, бугунги кунда Германияда ахборот технологияларини ривожлантириш учун сарфланган харажатлар мамлакат ҳар бир фуқароси учун 600 доллардан тўғри келяпти. Ривожланган мамлакатлар ўзларининг шахсий компьютер парклари ва «Интернет» халқаро ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони бўйича олдинги қаторларда бормоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. XXI асрда 80 фоиздан ортиқ технологик ривожланиш, авваламбор, ахборот-коммуникация технологияларининг такомиллашуви ва кенг қўламда қўлланилиши билан боғлиқ. Мутахассисларнинг фикрича, ахборотлашган жамиятда компьютерлаштириш жараёни кишиларга ишончли ахборотлар манбаига киришга кенг имконият яратади ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборот маҳсулотларини қайта ишлашнинг юқори даражасини таъминлаш орқали уларни кўп меҳнат ва вақт талаб этувчи ишлардан озод этади. Ахборотлашган жамиятда нафақат ишлаб чиқариш жараёни тубдан ўзгаради, балки ҳаёт мазмуни, хусусан, моддий бойликка қараганда, маданий ҳордик чиқаришнинг аҳамияти ортади. Товар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга йўналтирилган индустрiali жамиятга нисбатан ахборотлашган жамиятда кўпроқ ақлий меҳнат улушини ортирувчи билим, интеллект, ахборот ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади. Турли хилдаги компьютер техникаси асосида тизим ва тармоқлар, ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникациялар ахборотлашган жамиятнинг материал ва технологик базаси бўлиб хизмат қиласи. Бошқача қилиб айтганда, ахборот-коммуникациялар бозори товарлари ёки инновацион технологиялари ушбу жамият

шаклланишининг негизи ҳисобланади. Инновацион технологияларни қўллаш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўз тадқиқотларида ва халқаро конференцияларда фикр ва муҳозаларини келтириб ўтишган. Улар ахборотлашган жамиятнинг асосини инновация ва инновацион технологиялар ташкил этиши, мамлакат иқтисодиётida тутган ўрни ва уларнинг ижобий жиҳатларини ўз даврларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтишган.

Инновация назарияси немис иқтисодчи олимлари В.Зомбарт ва В.Митчерлих асарларида мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг асоси сифатида тадқиқ этилган. Уларнинг фикрича, ривожланиш тизимида асосий бўғин «техника тараққиёти» омили ҳисобланади, бунда техника янгиликларини ишлаб чиқариш ва ёйиш ҳисобига катта фойда олиш, корхоналарнинг бозордаги мавқенини кучайтириш мумкин. Бундан ташқари улар корхоналар амалда эришилган натижада тўхтаб қолмасдан, янги билим ёки ишлаб чиқариш масаласини ҳал этишнинг янги техник қоидаларини яратиш, янги маҳсулотлар ёки хизматлар турларини таклиф этиш билан бирга барча масъулиятни ҳам ўз зиммасига олиши лозимлигини таъкидлайдилар [1].

Б.Твисс, Х.Фримен тараққиётнинг турли босқичларида инновацияларнинг ўрни ва вазифаларини тадқиқ этишни деярли шу йўналишда олиб борганлар. Улар техника тараққиётини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларини асослаб беришга алоҳида эътибор қаратганлар. 1970-1980 йилларда инновацион фаолият, унинг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятлари Й.Менш, Д.Менфильд, С.Кузнец, Я.Вадейм, А.Кляйнкхеҳт, Э.Мойварт ва бошқа иқтисодчилар томонидан давом эттирилди [2].

Инновация атамасига оид илмий назариянинг шаклланишига рус тадқиқотчи олимлари ҳам муҳим ҳисса қўшганлар. Н.Д.Кондратьевнинг «катта циклар» назариясига мувофиқ жамият ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнида янги ғоялар, техник тараққиётнинг янги натижаларини дарҳол ва мунтазам ўзлаштириб, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, макро ва микродаражадаги кўрсаткичларнинг ижобий ҳолатини барқарорлаштиришга олиб келувчи ихтиrolарни амалиётга жорий этади [3].

А.И.Анчишкиннинг фикрига кўра «инновация», «янгилик киритиши» атамалари фақат техник-технологик ўзгаришлар билан чегараланиши мумкин эмас. У ушбу атамага кенг ижтимоий маъно бериб, янгиликларни жамиятни ривожлантиришнинг муҳим воситаси сифатида кўриб чиқсан ва техник-технологик янгиликларни майян иқтисодий оқибатларни келтириб чи-

қарган ҳолда сотиш бозори учун курашишга кўмаклашиб, рақобат муҳитини ўзгартиради ва бу билан ижтимоий ривожланишга ёрдам беради, дейди [4].

«Янгилик киритиши» тушунчасининг таърифига нисбатан турли нуқтаи назарларни таҳлил қилиб, Л.С.Барютин «янгилик киритиши» деб, муайян жамият эҳтиёжларини қондирувчи иқтисодий, ижтимоий ёки техник самара берувчи янгилик кўринишга эга бўлган (модификацияланган) амалий восита бўлиб, ундан фойдаланиш ҳали ялпи хусусият касб этмаган бўлмоғи лозим, деган фикрни беради [5].

И.Перлаки инновацияни «янгиликларнинг пайдо бўлиши, яратилиши ва амалга оширилиши жараёни» сифатида тушунади. Бунда янгиликлар ишлаб чиқаришни интенсификациялаш омили сифатида тадқиқ этилиб, ҳар қандай янгилик муайян мақсадга ёки бир неча ўзаро боғлиқ мақсадларга эришишга хизмат қиласди, деб талқин қилинади [6].

Э.А.Уткиннинг таърифи эса қўйидаги: «Инновация – жамият тараққиётининг таъсири остида инсон ўзгарувчан эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун янгилик киритиши, янгиликларни (янги амалий воситани) яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш жараёни». Э.А.Уткиннинг яна бир таърифида инновация(янгилик киритиши)ни амалга оширилган илмий тадқиқот ёки кашфиёт натижасида ишлаб чиқаришга жорий этилган, аввалгисидан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи объект сифатида таърифланади [7].

Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб ва уларни умумлаштириб, ўз моҳияти нуқтаи назаридан, инновация назария ва амалиётнинг алоҳида шакли, ижтимоий, иқтисодий, маданий обьект хусусиятларини тақомиллаштиришга йўналтирилган ҳаракатларнинг яхлит тизимиdir, дейиш мумкин.

Ўрганишларнинг кўрсатишича, бундай тавсифлаш инновацион жараёнларнинг икки хил йўналишда олиб борилишини белгилайди. Улар кашфиёт сифатидаги инновация ва инновацион технологиялар, яъни мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш, айрим соҳалар ёки фан йўналишларини кашф этиш, уларнинг янги хусусиятларини очиш имконини яратувчи ҳамда янгиланиб, ўсиб борувчи инновациялар, яъни мавжуд ишлаб чиқариш жараёнларидағи ва маҳсулотлардаги хусусиятларнинг яхшиланиши билан боғлиқ бўлган инновациялардир.

Тадқиқот методикаси. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт шароитида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг илғор хорижий тажрибаларини қўллаш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, хорижий тажрибалар ва мамкалакатимиз иқтисодиётини рақамлаштиришни қиёсий солиши-

риш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотларни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлили ва натижалар. Амалиёт ривожланган мамлакатларда фан ва ахборот-коммуникация технологияларининг такомиллашиб бориши ахборотлашган жамиятни шакллантириш бўйича ўзининг назарий таклифларини берган олимларнинг ғоялари ўз ўрнини топаётганини кўрсатмоқда. Башорат қилишларига қараганда, бутун жаҳон мамлакатлари ягона компьютерлаштирилган ва ахборотлаштирилган кишилар жамиятига айланиб боради. Тадқиқотлар ахборотлашган жамиятга хос бўлган қўйидаги хусусиятларни белгилаб берди [8]:

1. Ахборот таққислиги муаммоси ҳал этилади.
2. Бошқа ресурсларга нисбатан ахборот ресурслари бирламчи ўринга чиқади.
3. Ахборотлашган иқтисодиёт ривожланишнинг асосий шакли бўлиб хизмат қиласи.
4. Жамият тараққиётининг негизи бўлиб ахборот-коммуникациялар бозори товарларини кенг қўллаш шартлари қўйилади.
5. Инсоният тараққиётининг ягона ахборот майдони шаклланади.

Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ўзбекистон Республикасида ахборотлашган жамиятга киришнинг қўйидагича ўзига хос хусусият ва ҳолатлари мавжуд:

1. Ахборотлаштиришни ҳуқуқий таъминлашни амалга оширишнинг орқада қолиши.
2. Жамият фаолиятининг барча даражаларида ахборот-ҳуқуқий маданиятигининг сустлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида: «... рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиш. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қаҷон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади [9].

Рақамли технологиилар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиласиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологииларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда,

одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин» [10], – деб таъкидланган.

Коммуникация воситалари асосида маълумотлар базасига тезкор киришнинг амалга ошганлиги интерактив хизматлар индустрясининг жадал ривожланиши ва ахборот истеъмолчиларига янги имкониятларни яратиб берди. Ахборотлаштириш жараёнлари ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётига фаол таъсир эта бошлаган 1970 йиллар бошида бу соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Дунёда 1990 йиллар бошида маълумотлар базасига киришга имкон берувчи юздан ортиқ интерактив хизматлар мавжуд эди. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Японияда охирги ишларда «онлайн» (реал вақт бирлигидан ишлаш) хизматлари индустряси иқтисодиётнинг ахборотлар тармоғидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Оммавий фойдаланувчилар учун мўлжалланган «он-лайн» таркибида кирадиган маълумотлар базаси 1979-1988 йиллар оралиғида 40 тадан 4000 тагача етди, ҳозирги кунда уларнинг сони 5000 дан ортиб кетган.

Маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва ахборотлар хизматлари сотища АҚШ пешқадамлик қилиб келмоқда. Жамиятни кенг миқёсда компютерлаштириш ҳамда коммуникация воситаларини такомиллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ахборот-коммуникация технологиялари асосида ушбу бозорни шакллантиришда иқтисодий ва техник жиҳатдан катта имконият туғдирди. Техник имкониятлар мамлакатнинг турли зарур воситалар ва электр алоқа тармоғи билан таъминланганлиги, иқтисодий имкониятлар эса ушбу соҳа бўйича тадбиркорликни йўлга қўйиш учун барча шарт-шароитлар яратиши билан тавсифланади. Охирги йигирма йил ичida интерактив хизматлар ва маълумотлар базасини ишлаб чиқарувчилар ахборотлашган жамиятни шакллантириш муаммоларини енгил қиқиб, ахборот-коммуникациялар бозори соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга эканликларини исботлашмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар ривожланган мамлакатлар ижтимоий ишлаб чиқаришида меҳнат предмети бўлиб, ахборот ресурслари хизмат қилишини кўрсатади. Меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқаришдан ахборотлар соҳасига ўтиб бориш тенденцияси аниқ бўлиб бормоқда. Бу шунинг учун ҳам амалга ошмоқдаки, бирор маҳсулотни ишлаб чиқаришни икки баробарга ошириш учун керак бўлган ахборот маҳсулотлари миқдорини тўрт баробар оширишни талаб этмоқда. Бозор муносабатлари ахборот маҳсулотларининг янгилиги, ишончлилиги ва тўлиқлилиги даражаларига юқори талаблар қўймоқда, чунки бусиз самарали маркетинг, молия-кредит ва инвестиция фаолиятини юритиш мумкин эмас.

Ахборот маҳсулотларининг республикамиз ҳаётида тутган ўрни ва роли ижтимоий томонга ўзгариб бормоқда. Мамлакатимизда ахборот-коммуникациялар бозори индустриясини таркиб топтириш жамиятимизда чуқур ижтимоий ўзгаришларга олиб келиб, уни «индустрисалдан ахборотлашган жамиятга» айлантиради [11].

Дунё миқёсида ахборот хизматларининг шаклланиши 1950 йиллар бошига тўғри келди. Шу билан бирга, дунёдаги ривожланган мамлакатлар бозорида, асосан, академик, профессионал, давлат корхоналари, ўқув юрти, илмий-техника жамиятлари нотижорат ахборот хизматларини тақдим этди. Бир вақтнинг ўзида тижорат ахборот хизматлари ҳам шакллана бошланди. Бунда хизматлар доирасига аввалига ахборот нашрлари кирган бўлса, кейинчалик билиографик, рефератип ва таҳлилий материалларга бой маълумотлар базалари магнитли ахборот ташувчилар воситасида ҳам таклиф қилина бошланди. Фоиз ҳисобида 1970 йилларнинг ўрталарига келиб, маълумотларни узатишнинг миллий ва глобал тармоқларининг таркиб топиши фойдаланувчиларга узоқ масофада жойлашган маълумотлар базасига кириб, мулоқот асосида керакли ахборотни қидиришга имкон яратиб берди. Ахборот маҳсулотларининг кўп қисмини иқтисодий ахборотлар эгаллай бошлади. Ушбу даврда фойдаланувчиларга тижорат асосида хизмат кўрсатадиган ахборот воситачилари кенг фаолият кўрсата бошлади. 1980 йилларнинг бошларига келиб, ахборот хизматлари бозорида маълумотлар базасини оптик дискларда таклиф этадиган, коммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда телематн ва видеоматн хизматларини кенг кўламда кўрсатувчи ахборот марказлари пайдо бўла бошлади. Шу вақтнинг ўзида маълумотлар базасини шакллантириш йўлида ахборот хизматлари, йирик нашриётлар ва тадқиқот фирмалари ўз ишларини бошлади.

Ахборот хизматларига бўлган талаб дараҷасининг ўсиб бориши, уларнинг юқори даражадаги рентабеллиги ушбу бизнес соҳасида ҳисоблаш техникалари ишлаб чиқараётган фирмалар, нашриётлар ва давлат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятини кучайтириб юборди. 1970 йилларнинг ўрталаридан 1980 йиллар ярмигача АҚШ ҳукумати билан шахсий сектор ўртасида маълумотлар базасини тайёрлаш бўйича фаолиятлар бўлиб олинган. Бунда маълумотлар базаси давлат ташкилотлари томонидан тайёрланиб, кўпгина фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш эса хусусий фирмалар орқали амалга оширилган. Давлат томонидан 1970 йилларнинг бошида ахборотлар инфратузилмасини ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига ўтказиш кўзланган мақсадларни бермади, чунки илмий коммуникациялар тизимини

давлат молиялаштириши кераклигини кўпчилик англаб етди. Жаҳон банки ҳисоб-китоблари га қараганда, ХХI аср бошларида замонавий ахборот-коммуникациялар технологиялари керакли ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган бутун жаҳон ахборот инфратузилмасини барпо этишга ҳар йили 60 млрд. АҚШ доллари керак бўлади. Жаҳон амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат ресурсларининг кундан-кунга ахборотлар тармоғига кўчиб ўтиш анъанаси ортиб бормоқда. 1990 йиллар охирига келиб, АҚШнинг барча меҳнат билан банд аҳолисининг ярми, яъни 60-70 млн. киши ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш ва интерпретация қилиш билан машғул бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақамлар янада ортган. Фарб иқтисодчилари ахборот маҳсулотларига эркин киришни эркин рақобат билан бир қаторга қўядилар. Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг жаҳон ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадидаги улуши 10 фоизни ташкил қилаётгани, шунинг 90 фоизи АҚШ, Япония ва Фарбий Европа мамлакатларига тўғри келаётгани бежиз эмас.

Компьютер техникаларини қўллаш муаммолари бўйича олдинги қарашлар бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш масалалари билан боғлиқ бўлган кўпгина вазифаларни назарий-илмий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Жамиятда ахборот маҳсулотларига бўлган талаблар тизими ҳали тўлиқ шаклланиб бўлгани йўқ, лекин ушбу далилларни эътиборга олиб, шу масалани, авваламбор, назарий-илмий жиҳатдан ҳал этиш лозимлигини таъкидлаш мумкин. Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг ички элементи сифатида ахборотнинг ўзига баҳо беришимиз керак. Ахборотларни турли хил ва шаклда тарқатиш мумкин, деган фикрга ўрганиб қолган кишиларга улар ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементларидан эканлигини, яъни маълум бир товар эканлигини тушунтириш анчагина мушкул. 1995-1996 йилларда Фарбий Европадаги инқизордан кейин анчагина ўсиш сезила бошланди. Жаҳон бозорининг ушбу тармоғида компьютер ва телекоммуникация индустриясининг ривожланишига «Интернет» ахборот тармоғининг оммалашуви, ягона Европа валютасига ўтиш, Европа иқтисодининг турғунликдан чиқиб кетиши, бизнесни реструктуризациялаштириш омиллари катта таъсир кўрсатди.

Шунга қарамасдан, Европа ахборот ва телекоммуникация технологияси бозорининг динамик ўсиши бўйича ҳали ҳам АҚШдан ортда қолмоқда ва улар орасидаги фарқ йилдан-йилга

ортиб боряпти. Лекин умумжақон миқёсида Европанинг бу борадаги ҳиссаси кўпайиб бормоқда. Бу эса асосан, Япония улушкининг камайиб бораётганлиги ҳисобига эришилаётгани сир эмас. Ахборот асри иш жойларини замонавий ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлаш ва тадбиркорлик муҳитидаги истеъмолчиларга алоқа хизматларидан юқори даражада фойдаланишга имконият яратиб бериши лозим. Чунончи:

а) ҳар бир инсон ер шарининг хоҳлаган нуқтасидан туриб, ишдами, уй шароитида ёки транспортдан туриб, бошқа киши билан уланиш имкониятига эга бўлиши;

б) узатилаётган ахборот турининг қанақа бўлишидан қатъи назар «бир киши-бир киши билан» турдаги алоқанинг амалга ошиши;

в) кенгаш аъзоларининг хоҳлаган шаҳар ёки мамлакатда бўлишидан қатъи назар конференция, ишбилиармонлик кенгашларини ўтказиш имконияти;

г) ихтисослашган ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган автоматлаштирилган маълумотлар банкидаги турлича ахборотларга кириш имкониятининг туғилганлиги;

д) уйдан туриб беморга тиббий ёрдам кўрсатишнинг мумкинлиги;

е) электрон почта ва ахборотларни факсимил алоқа асосида узатиш.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг ахборот манбалари ҳамда ахборот маҳсулотларини қайта ишлаш ва узатиш воситаларини қўллаш самарадорлик даражасининг юксалишига боғлиқлиги 1980 йилларнинг бошларига келиб, умуман янги бўлган миллий ахборот ресурслари тушунчасини шакллантирди. Мамлакат ижтимоий-иктисодий ўсишини жадаллаштириш меҳнат, материал, энергетика ва ахборот ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш билан изоҳланади. Ўз ўрнида, ахборот ресурсларидан фойдаланишни оқилона йўлга қўйиш меҳнат, материал ва энергетика ресурсларининг эквиваленти сифатида иштирок этиши мумкин. Ахборот маҳсулотлари бошқа барча ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаб берадиган ягона ресурсdir. Шундай қилиб, ахборот ресурслари замонавий жамиятимиз ишлаб чиқариш кучларининг асосий бўлаги бўлиб қолмай, балки бу ахборот маҳсулоти миллий даромад манбаи ҳамдир.

Ахборот-коммуникациялар индустриясининг шаклланиши, иқтисоднинг ахборотлашган иқтисодга айланиши, аввало, ахборотларни йиғиш ҳамда қайта ишлаш воситалари ва коммуникация алоқаларининг такомиллашуви, ахборот техникаси ва технологияларининг тараққий


этиб бориши, саноатнинг мос соҳалари ривожланниши билан изоҳланади. Саноатнинг ушбу тармоқлари ахборот-коммуникация технологиялари индустрияси таркибига кириб боряпти. Ушбу таркибига маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш воситаларини ишлаб чиқаришдан ташқари, маълумотларни электрон усулда қайта ишлаш, маҳсус дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, ҳисоблаш ва коммуникация техникаларига хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам киради. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, зарур ахборотни излаб топиш анчагина мушкул масала. Мутахассислар ўз иш вақтининг 50 фоизини шунга сарфлайди, излаб топган ахборотининг фақатгина 10-20 фоизини ўзлаштиришиди, холос.

Ахборот-коммуникациялар бизнеси иштирокчилари ўртасида бозор муносабатларининг шаклланиши, рақобатчиликнинг ўзига хос усуллари ишлаб чиқилиши ҳамда потенциал истеъмолчиларнинг вужудга келиши – булар барчаси халқаро ва миллий интерактив хизматларнинг шаклланиб бораётганлигидан дарак беради. Куйидаги 1-расмда ушбу бозор иштирокчиларининг ўзаро ташкилий-функционал алоқалари кўрсатилган. Кўриниб турибдики, ахборот-коммуникациялар бозорининг сегментлари, обьект ва субъектлари ҳамда иштирокчилари бир бутун тизимни ташкил қўлмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, рақамли иқтисодиёт шароитида ахборот-коммуникациялар бозорини республикамизда шакллантириш ва ривожлантиришда давлатнинг тутган ўрни каттадир.

Хуласа ва таклифлар. Юқорида олиб борилган таҳлилларга асосланган ҳолда таъкидлашимиз мумкинки, бугунги кунда дунёning ҳеч бир мамлакатида замонавий ахборот технологиялари кириб бормаган тармоқ ва соҳалар қолмади. Қайси бир жабҳани олмайлик, қулайлик, ошкоралик ва тезкорлик бобида замонавий ахборот технологиялари янгиланишларнинг мұхим омилига айланиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозир кунда бутун дунё ривожланган мамлакатларида янги сервислар ва бизнес моделларни яратиш учун ахборот технологиялари инструментларидан фойдаланадиган эски ва янги компаниялар аксарият соҳаларда етакчи бўлган компанияларга кучли рақобат туғдирмоқда.

Шу муносабат билан оқилона бошқарув учун зарур ҳисобланган ахборот кўлами ҳам ортиб боради, ишлаб чиқариш ва фуқаролар муроқоти, бизнес ва давлат органларини бошқариш тузилмаси эса жиддий ўзгаришларни бошдан кечиради.



1-расм. Ахборот-коммуникациялар бозори иштирокчиларининг ташкилий функционал алоқалари [12], [13]

Шундай қилиб, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда қуйидаги таклифлар асосида босқичма-босқич амалга оширишни асосий шарт ва омиллар сифатида кўрсатишмиз мумкин:

- ахборотлаштириш ва давлат бошқаруви органлари ҳамда муниципал хизматларни интеграциялаш ҳисобига электрон ҳукумат ва рақамли шаҳар концепцияларини татбиқ этиш;
- янги технологик авлоддаги маҳсулотларни ялпи ишлаб чиқариш;
- ўзини банд этиш ва ҳоказолар орқали бандликнинг муқобил шаклларини кенг тарғиб қилиш;
- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш кишилар ва бизнеснинг давлат билан мулоқоти-

га сарфланажак харажатларини максимал қискартиришdir;

- давлат ва хусусий сектор доирасида ташкилотлараро (мультиагент) мулоқотни йўлга кўйиш ва ҳоказо.

Ушбу мақолада келтирилган далиллар ва таклифлар тўғридан-тўғри ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилса, юртимиизда ахборот-коммуникация технологиялари давлат бошқаруви даражасига янада кўтарилади. Давлат томонидан инновацион технологияларни олиб кириш ва уни амалиётга жорий этиш кўллаб-кувватланса, иқтисодий юксалишининг биз кутган мэрраларига осонгина эришиши, ривожланган мамлакатлар қаторига киришига ёрдам беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кляйнкюхт А. Теория инновационных рисков, Экономика и управление инновационной организацией. Учебник для бакалавров. – М.: Издательство «Проспект», – 325 с.
2. Экономика и управление инновационной организацией. Учебник для бакалавров. – М.: Издательство «Проспект», 2015. – 587 с.
3. Кондратьев Н.Д. Проблемы экономической динамики. Ред.кол. Л.И.Абакин и др. – М.: Экономика, 1989. – 526 с.
4. Анчишкун А.И. Наука – техника – экономика. – М.: Экономика, 1986. – 35 с.
5. cyberleninka.ru/article/n/evolyutsiya-definitsiy-intovatsiya-v-teoriyah-ekonomicheskikh-shkol.
6. Перлаки И. Нововведение в организациях. – М.: Экономика, 2001. – 300 с.
7. Уткин Э.А., Морозова Г.И. Инновационный менеджмент. – М., Акалис, 1996. – 208 с.
8. <https://www.itu.int>.
9. <http://m.xabar.uz>.
10. <http://m.xabar.uz>, <http://auz.uz/news/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliv-mazhlisga-murozhaatnomasi>.
11. <https://xabibullaev.files.wordpress.com>.
12. Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозори: шаклланиш, тенденциялар, эконометрик моделлаштириш ва ривожсланиш. Монография. – Т.: Фан, 2001.
13. Иминова Н.А. Электрон ҳукуматни жорий этиши шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. З-сон, май-июнь, 2016 йил.